*Эрурсен шоҳ, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен*

# ХАБАР

XABAR

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 2000 йил, 18 февраль, жума, № 7 (390) ● Сотувда нархи эркин

*● 2000 йил — Соғлом авлод йили*

## АЛОҚАЧИЛАР ТУҲФАСИ

Маълумки, жорий йил Юртбошимиз томонидан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган эди. Жойларда шу муносабат билан турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқди. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш мақсад қилиб қўйилди.

Ана шу эзгу мақсад йўлида алоқачилар дастлабки амалий қадамни қўйишди. Тошкент шаҳридаги онкологик касалликлар касалхонасига қиймати бир ярим миллион сўм миқдоридаги кийим-кечак, мебель, телевизор, гиламлар туҳфа этилди.

Маълумки, ушбу касалхонада оғир хасталикка дучор бўлган болалар ҳам даволанади. Бу хайрли тадбирда «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компанияси, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҲЖ, Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент телефон-телеграф станцияси, Халқаро электралоқа маркази каби алоқа корхона ва ташкилотлари ўз улушлари билан фаол қатнашишди.

Совғаларни топшириш чоғида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Ф. С. Абдуллаев ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. Н. Назаржонов, «Маҳаллий Телеком» АК бош директори А. Ҳ. Жўрабоевлар сўзга чиқишиб, ёш авлод учун ёрдам кўрсатиш алоқачиларнинг ҳам муқаддас бурчи эканлигини, бундай хайрли ишлар келгусида яна давом эттирилишини таъкидладилар.

Маросимда Тошкент шаҳар ва Чилонзор тумани ҳокимликлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва алоқа корхоналаридан вакиллар қатнашишди. Тадбирда Тошкент электротехника Алоқа институти талабалари ўз концерт дастурлари билан иштирок этишди.

***А. КУДИНОВ***

## ХОРВАТИЯЛИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Мустақил Ватанимизда демократик ҳуқуқий давлатни қарор топтириш сари шахдам қадамлар ташланмоқда. Бунга ўтган 1999 йили Олий Мажлис ва Маҳаллий Кенгашларга ҳамда мамлакат Президентлигига бўлган сайловлар ёрқин далил бўла олади. Дарҳақиқат, ана шу муҳим сиёсий воқеалар мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Эътибор қилсак, ўтган саккиз йилда истиқлол шарофати билан салмоқли ўзгаришлар рўй берганлигини сезишимиз қийин эмас. Юртимиз жаҳонга юз тутиш баробарида ўзининг кенг имкониятлар мамлакати эканлигини намоён қила олди. Жумладан, почта ва телекоммуникация тармоқларидаги ишлар ҳам янги шакл касб эта бошлади.

Бугун Ўзбекистон фуқароси дунёнинг исталган манзили билан ҳаво йўли орқали бир зумда гаплашиш имкониятига эгадир. XX асрнинг сўнгги йилида Термиз шаҳрида Хорватиянинг «Эриксон-Никола-Тесла» фирмаси билан тузилган шартномага асосан замонавий шаҳарлараро рақамли телефон станцияси ишга туширилди. Бундан ташқари шаҳарнинг бир йўла тўрт мавзесида жами сиғими 12288 абонентга мўлжалланган рақамли АТС фойдаланишга топширилди. Натижада у Термиз шаҳри аҳолисини телефон хизматига бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув сифатини ҳам таъминлади.

Ҳозир хорватияликлар билан ҳамкорлик ишлари давом эттирилмоқда. Янги йил арафасида эса Деновдаги рақамли телефон станцияси ишга туширилди. Шундай қилиб, нафақат Денов тумани, балки Сариосиё, Узун, Олтинсой ва Шўрчида ишлаб турган АТСларни замонавий рақамли АТСга алмаштиришга эришилди ва булар бир-бири билан боғланди. Шу билан бирга вилоятимиз бўйича қишлоқ меҳнаткашларининг телефон хизматига бўлган эҳтиёжини янада яхшилаш мақсадида маркетинг изланишлари ҳам олиб борилмоқда. Жумладан, Денов шаҳрининг Гулистон даҳасида 2000 рақамга, Шеробод шаҳрида 500 рақамга мўлжалланган янги АТСлар қурилиб, ишга туширилди.

Албатта, бу каби ўзгаришлар Олий Мажлис сессияларида қабул қилинган Қонунлар ва Республика Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари асосида амалга оширилмоқда. Биз инсон манфаатлари устивор бўлган юртда яшамоқдамиз. Ўйлаймизки, янги – 2000 йил ҳам кўзланган улуғвор мақсадлар рўёбга чиқишида муҳим давр бўлиб қолади.

***Ш. ЁҚУБОВ,***
***«Сурхондарё Телеком» шўъба корхонасининг Бош директори***

*● Муносабат*

## ҒАНИМЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Ўтган саккиз йиллик қисқа даврда эришилган оламшумул муваффақиятлар бутун жаҳон аҳлини лол қолдираётган бир даврда айрим ватанфуруш кимсаларнинг ютуқларимизни кўролмаётгани, тинч ва осойишта турмушимизга рахна солмоққа уринаётганликлари кўпчиликни чуқур ташвишга солмоқда.

Барча меҳнат жамоаларида Юртбошимизнинг яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида сўзлаган маърузаларида билдирилган фикр-мулоҳазалар ўқиб-ўрганилмоқда. Жамоатчи мухбиримиз «Наманган Телеком» ҲЖнинг Наманган туман филиали ҳамда «Наманган почтаси» ҲЖнинг Тошбулоқ филиали жамоаси билан учрашиб, улардан бу борадаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди:

**Ҳусанхон ХЎЖАЕВ, Наманган туман филиали бошлиғи:**

— Мамлакатимиз саккиз йил мобайнида катта ютуқларга эришди. Миллий-маънавий қадриятларимиз қарор топмоқда. Ўзлигимизни англамоқдамиз. Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидандир. Шунинг учун ҳам мен ҳамюртларим қатори ватанфуруш кимсаларнинг қилмишларини кескин қоралайман.

**Бегали МЎМИНОВ, почтачи:**

— Кундалик юмуш билан ҳар куни неча-неча хонадон ва маҳаллаларни оралайман. Кўпни кўрган кекса отахон ва онахонлар суҳбатини эшитаман. Ана шу суҳбатлардан халқимиз Юртбошимиз амалга ошираётган бунёдкорлик ишларидан мамнун эканликларини сезаман. Бироқ, шоли курмаксиз бўлмаганидек, ўз туғилган юртини чақага пуллашдан тоймайдиган разил кимсаларнинг борлиги ҳар биримизни огоҳликка, ҳушёрликка даъват этади.

***Б. ҚЎШМОНОВ,***
***Наманган вилояти***

## ТАДБИРКОР, ИШБИЛАРМОН БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлисида Юртбошимиз Ислом Каримов маъруза қилган эди. Биз алоқачилар ана шу маърузадан тўғри хулосалар чиқариб, соҳамиз бўйича тадбиркорлик ва ишбилармонликни янада жонлантиришимиз, аҳолига ва корхоналарга кўрсатилаётган алоқа сифатини яхшилашимиз, телефон носозликларини ўз вақтида тузатишимиз, ишдан чиққан ҳамда номаълум шахслар томонидан узиб кетилаётган кабелларни тез ва ўз вақтида қайта таъмирлашимиз, телефонлар сонини кўпайтиришимиз лозим.

«Сирдарё Телеком» ҲЖнинг Гулистон шаҳар бўлими алоқа ходимлари ана шу мақсад йўлида астойдил изланиб, ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришмоқда.

Гулистон шаҳрида 2000 йилнинг январь ойида 100 та телефон нуқтаси ўрнатиш ўрнига 120 та ўрнатилди, февраль ойида эса белгиланган режа ойнинг 15 кунида адо этилди.

Линия кабел хўжалиги муҳандиси Ш. Сиддиқов раҳбарлигидаги Э. Исабеков, Э. Саидхонов, К. Жабборов, Э. Бекиров каби электромантўрлар ҳар доим телефон ўрнатиш режаларини ортиғи билан бажариб, телефон носозликларини ўз вақтида бартараф этишмоқда.

Президентимизнинг «Эртанги кунимиз фаровон бўлсин десак, тараққий топган давлатлардан кам бўлмасдан ўзимизнинг орзу-мақсадларимизга эришмоқчи бўлсак, бошлаган ишимизни изчил давом эттиришимиз зарур. Тиним билмай, хотиржамликка берилмай, доимо изланиш ва яна изланиш, тадбиркорлик, ташаббускорлик ҳисобидан яшашимиз керак» деган гаплари ҳар доим биз алоқа ходимларини ҳам самарали меҳнат қилишга ундайди.

***Абдуғофур ҲОТАМОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз,***
***Сирдарё вилояти***

## ЭЪЛОН

**«ХАБАР» газетаси ўз саҳифаларида корхона ҳамда ташкилотлар, хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, туғилган кун, никоҳ тўйи муносабати билан табрик-қутловларни, олди-сотди билан боғлиқ турли хил хусусий эълонларни чоп этишни маълум қилади.**

**Мурожаат учун телефонлар:**
**144-29-09, 136-36-42, 136-35-29.**

**Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси 1-уй, Тошкент Бош почтамти, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги биноси, 4-қават, 401, 402-хоналар.**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**– Янгиликлар – Воқеалар – Хабарлар**

● Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекисон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

**● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.**

● Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев расмий ташриф билан АҚШда бўлди.

**● Москвада Россия Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш якунланди. Ана шу лавозимни эгаллаш учун 15 номзод даъвогарлик қилмоқда.**

● Ҳиндистон ҳукумати бундан 50 йил муқаддам ёзилган Ҳиндистон Конституциясининг мундарижасини ўрганиб чиқадиган қўмита таркибини эълон қилди.

**● Афғонистоннинг олиб қочилган самолётидан гаровга олинган ва кейин озод қилинган 70 га яқин йўловчилар Лондонни тарк этишадиган бўлди. Буюк Британия ҳукумати улар учун махсус самолёт ҳозирлади. Бу самолёт йўловчиларни Қандаҳор шаҳрига олиб келади. Қолган 70 йўловчи эса Буюк Британиянинг муҳожирлик ишлари билан шуғулланадиган маъмурлари билан музокаралар олиб боришни давом эттирмоқда.**

● Маълумки, барча болалар ҳарорат ўлчагични хуш кўришмайди. Бироқ Германияда ишлаб чиқарилган бу асбобни энг қайсар болакай ҳам яхши кўради. Гап шундаки, бу асбоб чой қошиққа ўхшатиб пластмассадан ясалган. Унга бирор ширинлик қуйиб берилса бас, шу вақтда болакайнинг ҳарорати ўлчаниб қолади.

**● Хитой ҳарбийлари, ўрмончилари ва олимлари махсус гуруҳлари ҳамкорликда ҳаракат қилиб, бўйи 2,5 метрга яқин, одамга ўхшаган серҳаракат, маймунсифат махлуқни тутишди. Қор одам Шеннонгин қўриқхонасидаги хоналардан бирига қамаб қуйилди. Хитойликлар табиатда мавжуд қор одамнинг ҳаётини чуқур ўрганишмоқчи.**

# Мансур ҚАМБАРОВ: ҲАММАСИ КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ

***Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган «2010 йилгача республика телекоммуникация тармоқларини тараққий эттириш ва ривожлантириш Миллий дастури» жойларда қандай бажариляпти?***

***Мухбиримиз шу ҳақда «Тошкент Телеком» ҳиссадорлик жамияти Бекобод шаҳар филиалининг бош муҳандиси Мансур ҚАМБАРОВ билан суҳбатлашди.***

**— Мансур Турдалиевич, аввало Бекобод шаҳар электралоқа тармоғининг фаолияти ҳақида гапириб берсангиз?**

— Бекобод шаҳар электралоқа тармоғининг 2-АТСи 6 минг рақамли бўлиб, 1970 йилдан аҳолига мунтазам хизмат кўрсатиб келмоқда. Охирги 10 йилликда аҳолининг телефон хизматига бўлган талаби ошиб бориб, 5 мингга яқин ариза тушган эди. Ана шу талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда қўшимча 6 минг рақамли янги 3-АТСни ишга туширган эдик. Ҳозирги кунда 10 мингдан ортиқ мижозларга жамоамизнинг 100 нафардан зиёд алоқачилари намунали хизмат кўрсатишмоқда.

**— Корхонада Миллий дастур бўйича қандай ишлар амалга оширилди?**

— Дарҳақиқат, телекоммуникация равнақи ҳар бир мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутади. Шу боисдан мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ республикамизда бу соҳани ривожлантиришга оид Миллий дастур ишлаб чиқилган эди. Биз ҳам Миллий дастурда кўзда тутилган устивор йўналишлар бўйича иш олиб бориб, Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси билан тузилган шартномага мувофиқ эскирган алоқа ускуналари ўрнига 6 минг рақамга мўлжалланган замонавий янги электрон АТСни ишга туширдик. Шунингдек, ўз навбатида шаҳарлараро ва халқаро автомат телефон линиясини ҳам жаҳон андозалари даражасидаги компьютер жиҳозлари билан таъминладик.

Эндиликда нафақат хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди, балки бутун алоқа тизимимизда салмоқли ўзгаришлар юз берди. Хизмат кўрсатиш сифати дунё андозалари даражасига етди. Халқаро телефон тармоғимиздан тўғридан-тўғри республикамизнинг исталган шаҳрига, ҳамдўстлик мамлакатларига, қисқа фурсатда чет элга чиқиш мумкин. Бир кунда 160-170 нафар мижозларимиз ана шундай ишончли, тезкор алоқа хизматидан баҳраманд бўлишаётир. Даромад ҳам аввалгига нисбатан кескин ошди.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий муҳофаза бош омил ҳисобланади. Шу боис телефон хизмати ходимларининг иш ҳақини кўпайтиришга ва ўз вақтида бериб боришга эришмоқдамиз.

**— Корхона истиқболини яна қандай омиллар белгилайди?**

— Мен бу борада ҳамма нарса кадрларга боғлиқ деб ўйлайман. Чунки, корхонанинг иқтисодий ҳамда техник тараққиётга эришишида малакали ходимларнинг хизматлари каттадир. Ходимларимиздан электрон станция муҳандиси Валерий Ким, телеграфчи Нурия Маметова, телефончи Инобат Усмонова, мантўрлардан Файзулло Катаев, телефон таъмирловчи Сайфулла Абдуқодировлар каби ўз ишининг устаси, моҳир алоқачиларимизнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир. Кун сайин такомиллашаётган замонавий телекоммуникация ускуналари билан тиллашаётган билимдон, тажрибали мутахассисларимиз бор экан, корхонамиз янгиланиш, тараққиёт сари дадил одимлайверади.

**Солижон ЗОИРОВ**
**суҳбатлашди,**
**Тошкент вилояти**

# ТАВАЛЛУДИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН



**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг информацион хавфсизликни таъминлаш ва махсус ишлар бўлими бошлиғи Шавкат Зоҳидович ЮНУСОВ 60 ёшга тўлди.**

Шавкат Зоҳидович 1961 йили Тошкент Алоқа коллежини тугатиб, шу ўқув юртида ўқитувчи бўлиб ишлади. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент электротехника Алоқа институтининг кечки факультетида ўқиди. Сўнгра Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли кибернетика институтининг кундузги аспирантурасига ўқишга кирди. Аспирантурани битиргач, техника фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришди. У 1977 йилгача Тошкент электротехника Алоқа институтида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, автоматик электралоқа кафедраси мудири вазифаларида меҳнат қилди.

Етук олим ва мутахассис Алоқа вазирлигининг маълумот-ҳисоблаш марказига директор этиб тайинланди. Мана шу даврда марказнинг иш сифати янада яхшиланди. Шавкат ака 1983 йилдан 1990 йилгача «Алгоритм» илмий-тадқиқот институтида ишлади. Унинг республика Алоқа вазирлиги раҳбар ходимлар малакасини ошириш институти директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари сифатидаги фаолияти ҳам таҳсинга сазовор бўлди.

Шавкат Зоҳидович 1992 йили Алоқа вазирлигининг бўлимини бошқарди. 1997 йилдан то ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг информацион хавфсизликни таъминлаш ва ишлар бўлими бошлиғи вазифасида самарали меҳнат қилмоқда. Устозимиз қаерда ишламасин, бошлаган ишининг якунлари билан қизиқади, таҳлил қилади. Камчиликларни ўз вақтида тугатишга ҳаракат қилади. Шу боис ҳам ҳамкасбларининг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган. У Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг «Моҳир алоқачи» фахрий нишони соҳиби ҳамдир.

Шавкат Зоҳидович Юнусовни барча ҳамкасблари 60 ёши билан самимий табриклаб, ишлари доимо бароридан келишини тилаб қоладилар.

***Н. ШОРАҲМЕДОВ***

# ЯХШИЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

«Хоразм почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Шовот филиали бошлиғи Болтабой Исмоилов 1974 йили Тошкент Алоқа коллежини тугатгач, ишни элетромеханикликдан бошлаган эди.

Ўша вақтда туман алоқа бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган Илҳом Отабоевга бу йигитнинг камтарлиги, камсуқум ва фидойилиги маъқул келди. Болтабой жамоат топшириқларини ҳам астойдил уддалади. У 1979 йили туман алоқа бўлими бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланди. Серзаҳмат соҳа бўлмиш алоқачилик касбига ихлос қўйиб меҳнат қилди. Уни ўзи туғилиб ўсган Катқалъа қишлоқ кенгаши раҳбарлигига тавсия қилдилар. Болтабой Исмоиловнинг ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилияти иш жараёнида намоён бўлди. Қишлоқ унинг ташаббуси билан газлаштирилди, йўллар ободонлаштирилди, янги боғ-роғлар барпо этилди. Ҳамқишлоқлари уни икки бора вилоят кенгашига депутат қилиб сайладилар. Қишлоқда шифокорлик амбулаторияси, савдо, маиший хизмат нуқталари сайловчилар талаби асосида очилди.

Мустақиллик йиллари Б. Исмоилов яна ўзи севган касбига қайтди. 1992 йилдан буён почта алоқа корхонасига бош-қош. Ҳар ойда туманда истиқомат қилаётган 14 минг нафардан зиёд нафақачилар-га ойига 65 миллион сўмлик нафақа ва аҳоли ҳамда ташкилотларга почта жўнатмаларини вақтида етказиб беришнинг ўзи бўлади дейсизми? Филиал эса вилоятда ҳамиша илғорлар сафида. Негаки, Душамбой Човдиров, Рустам Саидов, Файзулла Ҳабибов, қишлоқ алоқа бўлими бошлиқлари Г. Б. Евсеева, Жумагул Болтаева, Шариф Мусаев, Гавҳаржон Полвонова каби почта ходимлари сидқидилдан меҳнат қилишади. Асосий хизматдан ташқари табиий газ, телефон, коммунал хизмат пулларини ундириш, ёзув қуроллари ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари сотишдан ҳам қўшимча даромад олинмоқда.

Болтабой Исмоилов турмуш ўртоғи Зуҳра Саилова билан 6 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишмоқда. Элдошлари Б. Исмоиловга юксак ишонч билдириб, бўлиб ўтган сайловларда уни яна Қатқалъа қишлоғидан туман кенгашига депутат қилиб сайлашди. Жонкуяр инсон Б. Исмоиловнинг кўнглида ҳали амалга оширмоқчи бўлган режалари кўп.

***Н. РАЖАБОВ,***
***Халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг туман бўлими раиси,***
***Хоразм вилояти***

***Мавлуда опа табиатан дилкаш аёл. Шу боисдан ҳам бу аёл билан суҳбатлашсангиз, юракдаги чигалингиз ёзилгандай бўлади. У қарийб 25 йилдан буён Каттақўрғон шаҳар почта филиалида бўлим бошлиғи. Шарафли касбини эъзозлаб, ҳамшаҳарларига беминнат хизмат кўрсатиб келаётир. Мавлуда опа Каттақўрғон шаҳрининг «Дўстлик», «Баланд Чордара», «Сармозор» маҳаллалари фуқароларига хизмат қилиб, нафақачи, серфарзанд аёллар, фарзандларини ҳарбийга кузатган ота-оналарнинг дуосини олаётир.***

# ФИДОЙИЛАРДАН БИРИ

— Мавлудахон энг фидойи бўлим бошлиқларимиздан, — дейди Каттақўрғон шаҳар почта филиалининг бошлиғи Раъно опа Жалилова. — У учта маҳалладаги 2500 дан ортиқ хонадон соҳиблари, 500 нафарга яқин фахрий, юзга яқин оналарнинг нафақа пуллари, газета-журналлари, хат-хабарларини эгаларига ўз вақтида етказиб бермоқда. Ҳали-ҳануз мазкур маҳаллалардаги фуқаролардан Мавлудахон ҳақида шикоят тушғанича йўқ. Негаки, у элга сидқидилдан хизмат қилиб келаётир.

— Мавлуда Тоирова касбининг билимдони, жонкуяри ва фидойиси, — дейди биз билан суҳбатда «Дўстлик» маҳалла қўмитасининг оқсоқоли Сайфулла ота Назаров. — Маҳалланинг катта-кичиги борки, у кишининг ишларидан ғоятда мамнун. Мавлудахонга барчамиз таяниб, ўрганиб қолганмиз. У нафақа пулларини тарқатганда, маҳалламизда байрам бўлиб кетади.

Ҳа, оқсоқол ҳақ гапни айтди. Мавлуда опа тиришқоқ ва ҳозиржавоб алоқачи сифатида ўз вазифасини сидқидилдан бажариш билан бирга маҳаллада ўтказиладиган шанбалик, ҳашар, тўй-маърака ва турли тадбирларда фаол иштирок этади. Бир сўз билан айтганда у элнинг корига яраётган одам. У ана шундай обрў-эътиборга ўзининг кўп йиллик ҳалол меҳнати билан эришди.

***Каримжон СОАТОВ,***
***Самарқанд вилояти***

# Алоқа матбуот кўзгусида

Инсоният тарихида буюк кашфиётлар, мўъжизалар беҳисоб. Ана шулардан бири шак-шубҳасиз телефон ҳисобланади. Бугунги кунда тараққиётимизни телефон алоқасисиз тасаввур этиш қийин.

Бундан ўн йил аввалги тўпланган маълумотларга кўра, энг кўп телефон алоқасидан фойдаланган халқ деб америкаликлар эътироф этилган экан. 1989 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, АҚШда жами 423618819 та телефон тизими аҳолига хизмат қилган.

***

Дунёдаги энг кўп телефонлашган хонадонлар Токио шаҳридадир. 1989 йил маълумотларига кўра, бу ерда абонентлар сони 55511000 тани ташкил этган. Нью-Йоркда эса бу кўрсаткич 4589000 тадан иборат.

***

Жаҳондаги энг катта телефон аппарати 1988 йилнинг 18 сентябрида Голландиянинг Апердолн шаҳридаги кўргазмада намойиш этилган. Оғирлиги 3,5 тоннага тўғри келган. Мазкур мосламанинг баландлиги 2,74 ва узунлиги 6,06 метр бўлган

***

Энг митти аппарат «Женерал телефон Н электроник» корхонаси ходими Жесмик томонидан яратилган. Унинг ҳажми 10,48x1,9x3,81 сантиметрга тенгдир.

**Б. ҚЎШМОНОВ**
**тайёрлаган**

# ШАҲАРГА БИТТА АНТЕННА

Шаҳар ва қишлоқлардаги уй томларини ғиж-ғиж телевизор антенналари босиб кетган. Бу уйга ҳусн қўшмайди, албатта.

Кўпгина мамлакатларда шу камчиликдан қутулиш учун ҳаракат қилинди. Ниҳоят, «Сименс» фирмасининг ходимлари бутун шаҳарни таъминлай оладиган қурилма ясашди. Швейцариянинг Баден шаҳрида ана шундай қурилма ўрнатилди.

Энди битта антенна бутун шаҳарга хизмат қилмоқда.

***А. АЛИЕВ тайёрлади***

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**«Жиззах Телеком» шўъба корхонасининг Зомин филиали ва «Жиззах почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Зомин филиали жамоалари Ём алоқа бўлими бошлиғи Пўлат НАРЗИҚУЛОВни 50 ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик келгуси ишларида зафарлар тилайди.**

Турмуш чорраҳаларида

# УМИДА

— Ая, нега мени доим Шарифа опанинг қизи, дейсиз? — онасининг тиззасига бошини қўйиб ётган қизалоқнинг қўққисдан берган саволи фақат аясини эмас, менинг ҳам эътиборимни ўзига жалб қилди.

— Уйқунг келяпти, десам, ҳали шуни ўйлаб ётувдингми? — деди онаси, — сени яхши кўради-да Шарифа холанг.

— Нега энди мени, ўзларининг қизлари кўп-ку?...

Ногоҳ шу она-бола билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. Автобусдан тушгач, қолган йўлда ҳам бирга кетдик. Аёл ниҳоятда фариштали, шу билан бирга ҳаётнинг аччиқ-чучугидан барвақт баҳраманд бўлганлиги мунглиғ нигоҳидан маълум эди.

— Шундай қилиб, сен Шарифа опанинг қизимисан? — дедим тусатдан қизалоққа.

— Ҳа, опачаси, шундай деса ҳам бўлади, — дея гапимни тасдиқлаб, енгил «уҳ» тортди қизчанинг онаси. Балки ҳаётда шу аёл бўлмаганида, бу қизим ҳам ёнимда бўлмасмиди. Оллоҳ суйган бандасини ўз ситамлари билан синаб кўраркан, деганларидек, мен ҳам не кунларни бошимдан ўтказмадим, — дея ҳикоя қила бошлади ҳамроҳим. — Дастлаб, яъни турмушимнинг икки йили жуда саодатли ўтди. Турмуш ўртоғим ўз муродига етиб, ўғлим Мурожон дунёга келди. Қайнонам «тоқ қаноти жуфт бўлди», дея ёлғиз ўғлининг бош зурриёди ҳам ўғил бўлганидан боши кўкка етгудек суюнди. Мурожон бир ярим ёшида иккинчи ўғлим туғилди. Шундай севиндимки, таърифи йўқ. Бироқ иккинчим айни суюнчак даврида, ёшга тўлар-тўлмай тусатдан дардга чалинди-ю, ҳаммамизнинг юрагимизни доғлаб кетди. Турмуш ташвишлари билан боламнинг ўлимини энди унутаётганимда, қизалоғим дунёга келди. Бироқ у ҳам бир дардимни икки қилиб, бир ёшлар атрофида бетобликдан умри хазон бўлди. Аввалари мунчоқдек ярашган либосларим ичида кенг боғнинг қўриқчиси сингари озиб-тўзиб кетдим. Тўртинчи фарзандим туғилганда ҳатто овозини эшитмадим.

«Эй Худо, кимга, қандай дилозорлик, ёмонлик қилгандимки, мени қаҳрингга бунчалар дучор қилдинг?», деб ўйлардим куну-тун.

Негадир қайнонам ҳам, турмуш ўртоғим ҳам «Бизга Оллоҳнинг пешонамизга битган орқадоши шу Муроджон экан», дея фарзанддан умидларини узишганди. Фарзанд доғида аламзада бўлиб юрганимизда яна бир бўлғуси зурриёд пайдо бўлганини сездим. Сездиму, бир суюнсам ўн даҳшатга тушардим. Уйдагилар ҳам шу ҳолатга тушишди.

Гарчи кони азоб ва гуноҳ бўлса-да, турмуш ўртоғим ҳам қайнонамнинг фарзандимни «аборт» қилдириш ҳақидаги маслаҳатини маъқул топди. Иложим қанча? Уларнинг раъйини қайтара олмадим. Сабаби, ўзим ҳам умиддан кўра, саросима оғушида эдим. Ўша куниёқ аёллар шифохонасига йўл олдим. Шифокор қабулида одамлар кўплиги учун ташқарида навбат кутдим. Шунда ўша Шарифа исмли аёл менга илк бор учраганди.

Галдан гап чиқиб, у менинг дардимдан, мақсадимдан огоҳ бўлди.

— Энди «аборт» қилдирасизми? — деди у.

— Ҳа, — дедим маъюс ҳолда.

— Келинг, — деди у кўзларимга энг яқин кишимдай илтижоли тикилиб, — шундай қилманг, илтимос шундай қилманг, одамзод тақдирини аввалдан айтиб бўлмайди, ахир, Мана кўрасиз, ойдай фарзанд кўрасиз. Худо умр насиб қилса, қўш фарзанд ўстирасиз...

У менга шундай гапирардики, гўё дард меники эмас, худди ўзиники ёки бирон яқин одаминики эди. Мен эса жимгина унинг сўзларини тинглардим...

— Ўзингиз ўйланг, мана худойим сизга бир эмас, 4 фарзанд ато этибди, пешонангизга буюрмаган экан, қайтиб олибди. Кел яна, бағрингни тўлдирай, деб вужуд ато этибди-ю, Сиз ундан ихтиёрий воз кечсангиз, бу оқил иш эмасов...

Балки туғилажак шу болангиз билан бутун ғам-аламдан фориғ бўларсиз. Келинг, фикрингиздан қайтинг. Мени айтди, дейсиз. Ҳали ҳаммаси унут бўлади. Сиз бахтли она бўласиз.

Мен жавоб бера олмасдиму, лекин кўнглимда умид йилт этгандек бўлаётганди. Хуллас, бу аёл мени фикримдан қайтарди. Уйга алланечук ҳолда кириб келдим. Аввалига ҳеч кимга индамадим. Кейинроқ, уйдагиларга ёрилганимда, қайнонам: «Болам, ўзингиз биласиз», деб қўя қолдилар. Вақт ўтиб, кўзим ёриди...

Ёлғиз қизалоғига тўймай тикилиб қолган аёлнинг чеҳраси бирдан ёришиб кетди.

— Бу ўша, — деди чексиз мамнунлик билан, — мурғак вужуди дунёга келмай тилкапора бўлиши мумкин бўлган қизалоғим — Умида...

**Вазира ТОЖИБОЕВА,**
**Тошкент вилояти**



Онасининг умид юлдузи

## ЖОЛИНУС ҲАКИМ НАСИҲАТЛАРИ

*Кимки яхшиликни касб қилишга интилса, яхши мақтовларга сазовор бўлади.*

* * *

*Қанчалик куч-қувватга эга бўлмагин, душман билан доимо тинчлик йўлини ихтиёр қил.*

* * *

*Агар дўст сендан насиҳатини аяса, айтиш зарур бўлган нарсани айтмаса, айбларингдан сени огоҳ қилмаса, бундай дўст билан алоқани уз ва ундан узоқлаш.*

* * *

*Мулойимлик қуввати билан ғазаб оловини сўндиролган киши ҳақиқий мақтов ва олқишга лойиқдир.*

* * *

*Ғазабланганда мулойимлик кўрсата олиш ва ғурурни синдира олиш ақлли кишиларнинг ишидир.*

## ЁЗУВ МАШИНКАЛАРИ

Ёзув қурилмаси яратиш борасидаги дастлабки уринишлар XVIII асрга тўғри келади. Бироқ амалда қўлланилаётган ёзув машинкасини америкалик топограф К. Шоулз 1867 йили ихтиро қилган. Ёзув машинкаси яратиш борасида тажрибаларини давом эттириш учун маблағ етказолмаганлигидан у ўз патентларини машинасозлик фабрикасининг хўжайини Ремингтонга сотишга мажбур бўлди.

XIX асрнинг 70-йилларидан ёзув машинкалари оммавий тарзда ишлаб чиқарила бошланди. Бу машинкалар кўп ўтмай «Ремингтон» номида аталадиган бўлди. Шоулзнинг номи унутила борди.

XIX аср охирларида ёзув машинкаларининг тури 40 тага етди.

## ХАНДАЛАР

**Ўғли дадасига деди:**

**— Дада, эсингиздами, 5 синфга ўтсанг, беш доллар бераман деб ваъда қилган эдингиз?**

**— Ҳа, ҳа, эсимда ўғлим...**

**— Дадажон, мен сизни табриклайман!**

**— Нима учун?**

**— Аҳир беш долларингиз ўзингизда қолди!**

***

**Миллионер дўхтирга деди:**

**— Мени даволаганингиз учун сизни меросхўрлар қаторига қўшиб қўйдим. Хурсанд бўлишингиз мумкин.**

**— Ундай бўлса, рецептни қайтариб берсангиз! — деди дўхтир. — Унга озгина ўзгартиришлар киритаман!**

***

**Ўғли зобит дадасидан сўрабди:**

**— Дада, тўппонча билан автоматнинг фарқи нимада?**

**— Жуда катта фарқи бор, ўғлим. Кўз олдинга менинг гапиришим билан, онангнинг гапиришини келтир!**

***

**— Нимагадир пивоингиз илиқ?**

**— Бўлиши мумкин эмас. Ҳозиргина бир челак муздек сув қўшган эдим!**

*Ақида МАРАСУЛОВА*
*тайёрлаган*

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-132.
8922 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топширилиш вақти— 18.00

123456

